O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 4-noyabr • Seshanba • 131 (27.936) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Маҳаллий ҳокимият органларининг мунтазам тизимини фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу органларнинг асосини фуқаролар йиғинлари — маҳаллалар ташкил этади. Улар халқнинг тарихий анъаналари ва руҳиятини ҳисобга олиш асосида тузилган. Ўз-ўзини бошқаришнинг муҳим ижтимоий органи бўлмиш маҳалланинг аҳамияти ҳамиша жуда юқори бўлган».

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 ноябрь куни Оқсаройда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳри мэри Сезар Майени қабул қилди.

— Ўзбекистонда Бразилияни, унинг тарихи ва бугунини яхши билишади, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Бразилия жадал ривожланиб бораётган, жаҳон ҳамжамияти эътиборини ўзига тобора кўп жалб этаётган давлатдир. Ўзбекистон шаҳарлари, хусусан, Самарқанд ва Бухоро каби тарихий шаҳарлари билан яқиндан танишиш тўғрисидаги қарорингизни қадрлаймиз.

Ўзбекистон билан Бразилия ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда 2007 йилнинг август ойида Бразилияда илк бор бўлиб ўтган икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамаларининг сиёсий маслаҳатлашувлари муҳим аҳамиятга эга. Музокаралар чоғида Ўзбекистонда ҳам, Бразилияда ҳам сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар ва илмий-техникавий соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга интилиш ва иштиёқ мавжуд эканлиги намоён бўлди.

Жорий йилда икки томонлама муносабатларни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар фаоллашди. Сентябрь ойида Бразилиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Карлос Антонио да Роша Параньос мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида музокара ўтказди.

Мамлакатларимиз халқаро ташкилотлар, хусусан, БМТ доирасида яқиндан ҳамкорлик қилади. Лотин Америкасида ядро қуролини таъқиқлаш тўғрисидаги шартномага қўшилган Бразилия Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлайди, мамлакатимизнинг минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолайди.

Ўзбекистон ҳам, Бразилия ҳам ўз минтақасида муҳим ўрин тутувчи давлатдир. Ўзбекистон Бразилия учун Марказий Осиё дарвозаси, айни пайтда Бразилия Ўзбекистон учун Лотин Америкасига робита бўлиши мумкин. Икки мамлакат ҳам иқтисодий соҳада, жумладан, қишлоқ хўжалиги, нефть-газ саноати соҳасида яқин ҳамкорлик қилишдан манфаатдор.

2007 йили мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарийб 65 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 2008 йилнинг январь-июнь ойларида бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,4 марта ошди.

Бразилияда шакарқамиш, қаҳва, цитрус мевалар етиштиришда, шунингдек, нефть ва табиий газ қазиб олиш борасида катта тажриба тўпланган. Сайёҳлик ва спорт соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш учун икки томонда ҳам улкан ресурслар мавжуд. Ўзбекистон ва Бразилия халқларининг бой маданияти ва санъати, адабиёти гуманитар соҳада фаол ҳамкорлик қилиш учун яхши заминдир. Бунда шаҳарлар ўртасида ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Рио-де-Жанейро мэри Ўзбекистонга ташриф асносида Самарқанд шаҳрида бўлди. Самарқанд ва Рио-де-Жанейро шаҳарлари ўртасида шериклик алоқалари ва ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат имзоланди.

Рио-де-Жанейро Бразилиянинг энг йирик шаҳарларидан бўлиб, ушбу мамлакатнинг муҳим иқтисодий ва маданий марказларидан бири саналади. «Рио» билан Истанбул, Жидда, Санкт-Петербург, Барселона, Богота, Париж, Сеул, Сидней каби шаҳарлар ўртасида шериклик ва ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Сезар Майе самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон — Бразилия муносабатларини, Ўзбекистоннинг дунёга машҳур қадимий шаҳарлари билан Рио-де-Жанейро ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга Ислом Каримов эътибор қаратгани Бразилия томонидан юксак қадрланишини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Бразилия ўртасидаги ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

БОЛГАРИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Болгария Республикаси Президенти Георги Парванов 5-8 ноябрь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон — Болгария ҳамкорлигини ривожлантириш ва кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Истеъдодли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи

ВАТАННИНГ МУНОСИБ ФАРЗАНДИ

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат

Билими, салоҳияти ва саъй-ҳаракати билан жамият тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган иқтидорли йигит-қизлар бугун диёримизда кўплаб камолга етмоқда. Ана шундай ёшлардан бири Ўзбекистон Миллий университети иқтисодиёт факультети магистранти, Президент стипендияси соҳиби Дилшод АБДУАЗИЗОВдир.

У Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига мувофиқ «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

2005 йилда иқтисодиёт фани бўйича талабалар ўртасида ўтказилган республика олимпиадасида **«Миллий иқтисодиётни бошқаришда иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг назарий асослари»** мавзуидаги илмий иши билан қатнашган Дилшод мутлоқ ғолибликни қўлга киритди.

Худди ўша йили у Алишер Навоий номидаги Давлат, 2006 йилдан эса Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясига сазовор бўлди. 2007 йилда иқтидорли талабалар, магистрлар ва ёш олимларнинг 14-халқаро конференциясида «Марказий Осиё давлатларида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш муаммолари» номли илмий маърузаси билан иштирок этди. Ҳозир устози Нурали Мажидов раҳбарлигида «Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликни таъминлашда давлат сиёсати» мавзуида илмий тадқиқот олиб бормоқда.

— Бугунги глобаллашув жараёни ҳар қандай мамлакат иқтисодиётига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, бир давлат мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, иқтисодиётда бир соҳага ихтисослашиб боради. Лекин мамлакатда фақат биргина соҳа эмас, балки барча тармоқлар баравар ривожланиб бориши керак, ана шунда мамлакатнинг гуллаб-яшнашига замин яратилади. Бу борада давлат иқтисодий хавфсизликни таъминлашда ўзига хос сиёсатга эга бўлиши зарур. Шу боис давлатимиз сиёсатида устувор вазифалардан бири — аввал иқтисод, кейин сиёсат, деб белгиланган. Илмий ишим шу хусусда, — дейди ёш тадқиқотчи Дилшод Абдуазизов.

Абдусалим МАҲМУДОВ

✓ Кучли давлатдан кучли жамият сари

ДЕМОКРАТИЯНИНГ ХАЛҚЧИЛ ТАМОЙИЛИ

шу йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтади

Ўзбек маҳаллалари азал-азалдан чинакам миллий қадриятлар маскани, жамоатчилик фикрини шакллантирадиган, халқимизга хос анъана ва одатларни асраш, турмушдаги кўпгина долзарб масалаларни ҳал этиш маркази бўлиб келган.

Мамлакатимизда қарор топган фуқаролар йиғинлари жаҳон амалиётида ўхшаши йўқ маҳаллий ўзини ўзи бошқариш шакли сифатида нафақат ўзимизда, балки бутун дунёда ҳам эътироф этилмоқда.

Мустақиллик йилларида маҳалланинг роли ва таъсири, мавқеи янада ошди, ҳуқуқ ва ваколатлари доираси кенгайди. Ўзбекистон Конституциясида маҳалланинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми қатъий белгилаб қўйилди. 1993 йилда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», 2004 йилда эса «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунлар қабул қилинди.

2-бет >

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 4 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	918,58
1 Англия фунт стерлинги	2194,98
1 Дания кронаси	233,13
1 БАА дирхами	367,62
1 АҚШ доллари	1350,26
1 Миср фунти	242,85
1 Исландия кронаси	11,28
1 Канада доллари	1128,70
1 Хитой юани	197,60
1 Малайзия рингити	383,76
1 Польша злотийси	491,70
1 СДР	2009,59
1 Туркия лираси	879,08
1 Швейцария франки	1174,65
1 ЕВРО	1734,95
10 Жанубий Корея вони	10,57
10 Япония иенаси	136,17
1 Россия рубли	49,86
1 Украина гривнаси	234,40

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

✓ ЎзХДП: бошланғич ташкилот — асосий таянч

ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАР ТАРҒИБОТИ

бошланғич партия ташкилотлари фаолияти билан чамбарчас боғлиқ

Наманган шаҳар партия кенгашида бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

Бугунги кунда Наманган шаҳрида 4300дан зиёд Ўзбекистон ХДП аъзоси 104 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Кейинги пайтда шаҳар партия кенгаши томонидан бошланғич ташкилотлар билан ишлашни такомиллаштириш борасида талай ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқариш жамоаларидаги партия фаоллари ва депутатлар билан келишган ҳолда ҳомийлик акциялари уюштириб, 35-,17-,57-,39-мактаблар овоз кучайтиргич воситалари билан таъминланди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида партия аъзолари сони 220 нафарга кўпайиб, вилоят онкология диспансери қатор маҳалла фуқаролар йиғинларида янги бошланғич ташкилотлар тузилди.

— Уларнинг фаолиятини жонлантириш масаласига депутатларни ҳам жалб этганмиз, — деди кенгаш раиси ўринбосари Фазлиддин Юнусов. — Бошланғич ташкилотларимиз томонидан электоратимиз манфаатлари билан бевосита боғлиқ бўлган коммунал хизматлар сифатини ошириш мақсадида фуқароларнинг тегишли соҳа раҳбар-мутасаддилари билан юзма-юз мулоқотларини уюштирдик. Бошланғич ташкилотлар туманда маҳаллаларда ишсизлар сонини аниқлаш, табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви таъминоти бўйича доимий мониторинг олиб борилмоқда. Хўш, бошланғич ташкилотларни янада фаоллаштириш орқали электорат манфаатлари ҳимоясини таъминлашни кучайтириш учун яна нималарга эътибор бериш зарур? Бу борада фаоллар нима дейди?

2-бет >

ЎзХДП: *воқеалар, хабарлар, янгиликлар*

Ўзбекистон ХДП Хатирчи туман кенгашида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллиги муносабати билан давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар ўтказилмоқда. Туман партия кенгаши ташаббуси билан маданият ва спорт ишлари бўлимида бўлиб ўтган навбатдаги давра суҳбати «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари — олий қадрият» деб номланди. Унда туман хотин-қизлар қўмитаси, ФҲДЁ идораси, «Нуроний» жамғармаси, «Боғишамол» маҳалласи вакиллари иштирок этишди.

— Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига устувор вазифа сифатида қаралди. Миллий қонунчилигимиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгиланган инсонпарвар тамойилларга тўлиқ мос келади, — деди туман партия кенгаши раиси Т.Боймуродов.

•••

Хонқа тумани марказий шифохонасидаги Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилоти 100 нафардан зиёд аъзоларни ўз сафларига бирлаштирган. Ташаббускорлиги, фаоллиги билан туман партия ташкилотида ўз ўрни, ўз мавқеига эга.

Яқинда Ўзбекистон ХДП туман кенгаши томонидан бу ерда фаоллар иштирокида давра суҳбати ўтказилди. Унда сўзга чиққан туман партия кенгаши раиси Аҳмаджон Ваисов партия ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишлар ҳамда партия фаоллари, депутатлар олдида турган вазифалар ҳақида тўхталди.

Бошланғич партия ташкилоти раиси, Ўзбекистон ХДП туман кенгаши «Фаол аёллар» қаноти етакчиси Зулфия Исмоилова Ўзбекистон ХДПнинг дастурий мақсадлари тиббиёт ходимлари манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари билан бевосита боғлиқ экани хусусида тўхталди. Шунингдек, йиғилишда партия нашрларида чоп этилаётган мақолалар, уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида фикр билдирилди. Газеталарда бошланғич ташкилотлар фаолиятини кенгроқ ёритиб бориш ҳақида таклифлар айтилди.

(Ўз мухбиримиз)

«O`zbekiston ovozi» muxbirlari xabar qiladilar

ИШ ЎРНИ ЭЛЛИКТАГА ЕТАДИ

Аҳоли эҳтиёжи ва тиббий мақсадлар учун ишлатиладиган дока ҳамда бинт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Илғор тўқув» масъулияти чекланган жамият нафақат Пешку туманида, балки мамлакатимиз ички бозорида ҳам ўз ўрнини топиб олди. 15 нафар хотин-қиз меҳнат қилаётган бу корхонада ойида 45 минг погонометр харидорбоп дока ишлаб чиқариляпти.

Яқинда корхонада янги ускуналар ўрнатилиши эвазига маҳсулот сифати янада яхшиланди. Дорихоналар учун ихчам боғич шаклида дока ишлаб чиқаришга киришилди. Биргина бу эмас, корхонада бўз ва момиқ сочиқ ишлаб чиқариш учун ҳам изланишлар олиб бориляпти. Шунга эришилса, иш ўринлари элликтага етади.

Даврон БАҲРОНОВ

СУРАТЛАРДА — ОЛИМПИАДА ШУКУҲИ

Самарқанд шаҳридаги Ўзбекистон маданияти ва тарихи музейида «2008 йил Олимпия ўйинлари. Галабалар шукуҳи» халқаро фотокўргазмаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбир Москва, Киев, Минск ва Тошкент шаҳарларида ўтказилган кўргазмаларнинг мантиқий давоми бўлди.

Кўргазмада «Пекин — 2008» ёзги Олимпиадасида олинган 150 фотосурат намойиш этилмоқда. Суратларда олимпиаданинг унутилмас лаҳзалари, олимпиада чемпионлари, жумладан, олимпия медалларини қўлга киритган ўзбекистонлик спортчиларнинг ҳаяжонли онлари акс этган.

(Ўз мухбиримиз)

БУГУНГИ СОНДА:

2 – 3 бетлар

• ОЛАМНИНГ КЎРКИ — ЯШИЛЛИК

ёки уни асраш, кўпайтириш ва бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида МУЛОҲАЗАЛАР...

• ЖАҲОН НИГОҲИДАГИ ЗИЁРАТГОҲ 4

INTER PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ОБУНА КИТОБЛАР, ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР

119-0000, 119-8383, 155-0955

Тошкент ш., Навоий кўч., 13, e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz

O'zbekiston havo yo'llari TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАР ТАРҒИБОТИ

бошланғич партия ташкилотлари фаолияти билан чамбарчас боғлиқ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Дилором УСМОНОВА, Наманган «Экстракт ёғ» очиқ акциядорлик жамияти чигит лабораторияси катта назоратчиси:

— Етти йилдирки, жамоадошларим ишончи билан бошланғич ташкилотга раҳбарлик қиляпман. Айни вақтда, корхонамизда 15 нафар ЎзХДП аъзоси бор. Бу кўрсаткич ишчилар сонига нисбатан кам, аммо хайрихоҳларимизнинг қўллаб-қувватлаши, ҳар бир аъзонинг дастурий мақсадларимизга монанд фаолият юритиши туфайли бошланғич ташкилотимизнинг жамоадаги нуфузи баланд.

Лекин ислоҳотлар жараёни тезлашиб, тараққиёт авж олгани сари айрим жиҳатларга етарли эътибор беролмаётганимиз сезилмоқда. «Маънавият куни», Фуқаролик маърифати ўқуви машғулотлари асосан партиядошларимиз, айнан ХДП бошланғич ташкилоти фаоллари иштирокида ўтказилади. Кўп ҳолларда партия йиғилишларига жамоа раҳбари, бошқарув аппаратидаги мутахассислар қатнашмайди. Аммо, масалалар муҳокамаси, савол-жавобларда уларнинг ҳам иштирокини таъминлаш партиямиз хайрихоҳлари сафини янада кенгайтиришга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Кимёхон РЎЗИМАТОВА, Алишер Навоий номидаги вилоят мусиқали драма театри бошланғич партия ташкилоти раиси:

— Партияга муносабат бошланғич тузилмалар фаолиятида ёрқинроқ кўзга ташланади. Улар фаолиятининг самарадорлиги БПТ етакчисининг таъаббускор ва фаоллигига, жамоадаги обрўсига боғлиқ. Шу боис етакчиларни бунга ҳар жиҳатдан тайёрлаш лозим. Балки намунали фаолият кўрсатаётган йирик бошланғич ташкилотлар раисларини рағбатлантириб бориш тизимини такомиллаштириш керак, деб ўйлайман. Эҳтимол, келгуси сайловларда улар орасидан депутатликка номзодлар кўрсатиш лозим. Бу уларни янада фаолроқ бўлишга ундайди.

Сайловиддин АСҚАРАЛИЕВ, халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши депутати:

— Бошланғич ташкилотлар фаолиятини жонлантиришнинг асосий шарти — партия аъзолари фаоллигини ошириш. Бугун кўппартиявийлик тизимининг такомиллашиб бориши, сиёсий кучлар ўртасидаги рақобат ўсиб бораётгани олдимизга ушбу вазифани қўймоқда. Менимча, партия аъзолигига қабул қилиш тартибини ҳам ўйлаб кўриш керак. Қабул масаласида масъулиятни янада ошириш зарур.

Маҳлиё ҚОДИРОВА, ўқитувчи, партия фаоли:

— Мактабимиз Гулистон маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган. Жамоамизда 18 нафар партия аъзоси бор. Маънавий-маърифий тадбирларимизни маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда ташкил этамиз. Тажриба шуни кўрсатадики, партия ташкилоти етакчиси атрофдаги ҳар бир масалага ўзини масъул деб билиши, ташаббускорлик, ташкилотчилик унинг асосий фазилати бўлиши лозим. Партия дастурий мақсадларининг тарғиботи фақат маърузалардангина иборат бўлмаслиги, балки амалий ишларга кўпроқ эътибор қаратиш зарур.

●●●

Давра суҳбати иштирокчилари томонидан яна кўплаб фикрлар билдирилди. БПТ фаоллигини ошириш юзасидан асосий йўналишлар белгилаб олинди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

***Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши**да фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят партия кенгаши аъзолари, шаҳар ва туман кенгашлари раислари, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари қатнашдилар.*

***Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши** раиси Сирожиддин Аъзамов шаҳар ва туман партия кенгашлари тарғибот-ташвиқот гуруҳлари электорат вакилларига мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий воқеалар ҳақида ҳикоя қилиб бераётганликлари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг жойлардаги ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги иштироки ҳақида тўхталди.*

Шундан сўнг, партия ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш, мафкуравий ишлар таъсирчанлигига эришиш бўйича фикр алмашувлар бўлиб ўтди.

✓ Ўрмон — умумбойлигимиз

ОЛАМНИНГ КЎРКИ — ЯШИЛЛИК

ёки уни асраш, кўпайтириш ва бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида МУЛОҲАЗАЛАР...

Самодан туриб кузатганда, ер курраси кўк ва яшил тусда кўринади. Биз яшил сайёрада, флора қуршовида яшаймиз. Ўрмонлар — етти хазинанинг бири. Тасаввур қилиб кўринг-а: бир дақиқа нафас олмасдан, ҳавосиз яшашни?! Яшиллик тирикликнинг таянчи. Олимлар таъкидлашича, ўрмонлар тирик мавжудотлар учун зарур бўлган кислороднинг 60-70 фоиздан ортиғини ишлаб чиқарар экан. Ўртача хажмдаги бир туп дарахт ўзидан бир кеча-кундузда бемалол 3-5 нафар одамга етадиган ҳавони чиқаради. Яна бир муҳим жиҳати, ўрмонлар, дарахтлар атроф-муҳитнинг экологик ҳолатини яхшилайди, иқлим ҳароратини мўътадиллаштиради, гармсел, шамол кучини пасайтиради, саломатлик кушандаси бўлган шовқин-суронни камайтиради.

Шунингдек, бир гектар майдондаги 10-15 йиллик ўрмонзор бир йилда тахминан 50-55 тонна чанг-тўзонни, 5 тонна карбонат ангидрид газини «ютади», 3 тонна атрофида ўзидан кислород ишлаб чиқаради.

Бобокалонимиз, тиб илмининг отаси Абу Али ибн Сино «Соғлиқни сақламоқ истасанг дарахт эк, кам-кўстсиз яшаш истасанг боғ қил, хотиржам ҳаёт кечирмоқ учун ўрмон қилиб, эман эк...» деган эди. Тарихий манбаларда қадимдан аждодларимиз ўлкани боғ-роғларга буркаш, ўрмонларни авайлаш ҳақида қайғурганликлари ёзиб қолдирилган. Ваҳоланки, XII-XV асрларда ўрмон муаммоси йўқ бўлса ҳам, ас-Самарқандий: «Бир дарахтнинг илдизи 10 метр чуқур бўлсаям, уни кесиб ташлаш осон. Аммо унинг шу даражага етиши учун «100 метрлик» заҳмат кетганини унутманг, дарахтлар борлиқда бахри муҳитни тоза тутиб турувчилардир» дея таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, юртимиз биохилма-хиллиги, флораси, фаунаси, ўрмонлари ниҳоятда ранг-баранг. Дунё андазаларида мамлакат умумий майдонининг 8-10 фоизи ўрмон бўлиши кўрсатилган. Бинобарин республикамизда ўрмон билан қопланганлик даражаси 5,3 фоизни ташкил этади, яъни, ҳар бир одамга ўртача 0,1 гектар ўрмон билан қопланган майдон тўғри келади.

Мозийга назар ташласак, XX асрнинг бошларидан ҳудудимиз ўрмонлари майдони 4-5 марта қисқарганининг гувоҳи бўламиз. Айниқса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун ажратилган тўқайзорлар ва ерлар кескин камайиб кетган.

2

ДЕМОКРАТИЯНИНГ ХАЛҚЧИЛ ТАМОЙИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маълумки, 2006 йилнинг май-июнь ойларида фуқаролар йиғинларига сайловлар бўлиб ўтган эди. Ўтган давр мобайнида маҳалла раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари жамиятни ислоҳ қилиш жараёнида самарали фаолият олиб боришди, деб бемалол айта оламиз. Улар ҳудудлардаги аҳволни яхши билганликлари учун ҳам кўпгина ижтимоий-иқтисодий, маънавий, маданий ва бошқа масалаларни жойларнинг ўзида ҳал этишди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг шу йил 30 сентябрда қабул қилинган «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Олий Мажлис Сенати Кенгаши ва ҳудудларда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар, ишчи гуруҳлари ташкил этилди. Мазкур комиссиялар таркибига «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳудудий бўлинмалари вакиллари киритилди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш амалдаги қонун ҳужжатлари асосида демократиянинг очиқ ва ошкоралик принципларига мувофиқ равишда олиб борилади. Бунинг учун эса бизда тажриба ҳам, одамларимизнинг ҳуқуқий онги ҳам етарли. Бу ижтимоий-сиёсий тадбир мамлакатимизда демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим аҳамиятга эга. Маҳаллаларда сайловнинг ўтказилиши, аввало, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрни беқиёс эканидан далолат беради.

Бўлғуси сайловни бемалол чинакам демократия мактаби, деб аташ мумкин. Жамиятимизни янада демократлаштириш жараёнига тўла мос тушадиган бундай кенг миқёсли ижтимоий-сиёсий тадбир давлат ва жамият ҳаётини янада эркинлаштириш, фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантиришнинг муҳим босқичи бўлади.

Шу сабабли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ўзига хос, давлат аҳамиятига молик муҳим масала эканлигини ҳис этиб, уни баҳамжиҳат, уюшган, демократия талабларига тўла амал қилган ҳолда ўтишига ҳар биримиз ўз муносиб ҳиссамизни қўшишимиз керак. Яқин икки ой ичида республикамизнинг барча шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулларида фуқаролар йиғинларининг ўн мингдан зиёд раислари (оқсоқоллари) ва минглаб уларнинг маслаҳатчилари сайланади. Бунда албатта, ҳар бир маҳаллада аҳоли билан иш олиб боришнинг ўзига хос жиҳатлари эътиборга олинади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов чинакам демократик, эркин бўлиши ҳамда ҳар бир фуқаро бу муҳим сиёсий тадбирда онгли равишда иштирок этиши учун тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш керак бўлади. Бу тадбирда ҳар бир фуқаро фаол қатнашса, жойларда юзага келаётган масалаларни ўрганиш ва ҳал этиш янада осонлашади. Ҳар бир инсон маҳаллада вояга етади, камол топади. Оила ва шахс жамиятнинг бошланғич бўғини бўлса, маҳалла — шахсни жамият ишларидаги иштирокини таъминловчи асосий бўғиндир.

Муҳаббат АБДУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси.

✓ Ҳуқуқий ҳимоя

МОДДИЙ, МАЪНАВИЙ МАДАД

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, ер куррасида ҳар 5 кишидан биттаси у ёки бу кассаликка чалинар экан.

Одатда жисмоний, ақлий, руҳий нуқсонлар борлиги туфайли меҳнат фаолияти чекланганлиги муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ижтимоий ёрдам ва ҳимояга муҳтож шахслар ногирон ҳисобланади.

Давлатимиз томонидан ногиронларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда ҳамда бу борадаги ҳуқуқий асослар такомиллаштириляпти. «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун бу борадаги муносабатларни тартибга солиб келмоқда. Шу йил ушбу қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Бинобарин, тиббиёт ходимлари ногиронларни тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация қилиб боради. Жумладан, тиббий йўл орқали ногиронлар доридармонлар ва амалиёт усулида даволанадилар. Касбий реабилитацияда эса ногиронлар ўқитилиб, касб-ҳунар ўргатилиб, иш билан таъминланади.

Шу ўринда бир мулоҳазани айтмоқчиман. Айрим ташкилот раҳбарлари иложи борича ногиронларни ишга олмасликка ҳаракат қилишади. Лекин ногиронларнинг имкон қадар иш билан таъминланиши жуда зарур. Бу нарса уларга жамиятимизнинг ажралмас бирлигини англатса, иккинчи томондан ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамдир.

Олий Мажлис томонидан шу йил қабул қилинган «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддасида ташкилотлар ногиронлар учун 3 фоиз иш жойи банд қилиш шартлиги ва уларга шарт-шароит яратиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, иш вақти, дам олиш вақти режими йиллик ҳамда қўшимча таътилларнинг муддати ногиронларнинг аҳволини ёмонлаштирмаслиги, ҳуқуқларини чекламаслиги зарурлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, ногиронларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам сонини яратиш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ижро этмаганлиги учун корхонага, муассаса ва ташкилотга ҳар бир яратилмаган иш жойи учун ана шу корхона, муассаса ва ташкилот ходимининг ўртача йиллик иш ҳақи миқдорида жарима солиниши ҳам қонунда кўрсатилган. Шуни унутмаслик керакки, ҳокимият ва бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади. Шу жумладан, ногиронлар ҳуқуқлари, манфаатлари, эркинликларини таъминлашга ҳамда ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишни ташкиллаштиришга ва уларни иш билан таъминлашга масъул ҳисобланадилар.

Ногиронлар жамиятимизнинг ажралмас бир бўлаги. Зеро, уларни маънавий, ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашга ҳар биримиз масъуллик ҳиссини теранроқ англашимиз зарур.

Чори ТОШМАТОВ, Ангор туманлараро 1-сон ТМЭК невропатолог-эксперти.

Бугунги кунда Андижон вилоятининг барча туманларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, талайгина тиббий масканлар замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Уларда малакали шифокору ҳамширалар эл саломатлиги йўлида фидокорона меҳнат қилишмоқда.

Яқинда Бўз туманида тиббиёт бирлашмаси ташкил қилиниб, унинг таркибига тарқоқ ҳолда жойлашган тиббиёт муассасалари киритилди. Эндиликда туман аҳолисига 16 та қишлоқ врачлик пункти, кўп тармоқли поликлиника, шошилинч тиббий ёрдам маркази ва марказий шифохона хизмат кўрсатмоқда. Айниқса, Яккатол қишлоқ врачлик пункти тиббиёт ходимларининг малакали тиббий хизматидан қишлоқ аҳли мамнун.

Суратда: *Яккатол қишлоқ врачлик пункти мудири, врач Гулчеҳра Розиқова ва ҳамшира Моҳида Раимқулова.*

Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2009 йилда қуйидаги иншоот қурилиши бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича қайта очиқ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Денов тумани, «Қизилгул» маҳалласидаги «Кичик ва ўрта бизнес» йўналишидаги 405 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи.

Иншоотнинг қурилиш муддати — 2009 йил 1 август.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел/факс: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳри, А.Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳри, А.Темур кўчаси, 69-уй.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

БУХОРО ВИЛОЯТ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҚЎРИҚЛАШ БЎЛИМИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

«Қоровулбозор тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаси маъмурий биносини капитал таъмирлаш».

Буюртмачининг бошланғич нархи — 198454,56 минг сўм.

Қурилиш ишларини бажариш муддати — 4 ой.

Қурилиш ишлари буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Буюртмачи манзили: Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 10-уй. Телефон: 223-80-48, факс: 223-92-10.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: устав сармояси миқдори, танлов савдолари предметининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағларга ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга ҳамда ўзаро ишончга, шунингдек, етарли ишчи кучи захираларига эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳар, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари очилиш куни ва соатида қабул қилиниб, танлов қатнашчилари ва оферентлар иштирокида очилади.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзил: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хонада соат 10.00 да бўлиб ўтади.

Агар 1929 йилда Амударё қайиридаги тўқайзорлар 300 минг гектарни ташкил этган бўлса, 1993 йилга келиб 22-24 минг гектарга қисқарди. 1991 йилда Давлат ўрмон фонди 5467 минг гектар майдонни, шу жумладан, ўрмон билан қопланган майдон 1819 минг гектардан иборат эди.

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ ҳукуматимиз ўрмончилик соҳасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратди. Бинобарин, бозор муносабатларига ўтилиши билан табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта ишлаб чиқариш муҳим давлат аҳамиятига эга вазифага айланди ва унинг ҳуқуқий асослари яратилди. Ўтган даврда «Ўрмон тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги Қонунлар, «Ер тўғрисида»ги Кодекс, «Ер ости бойликлари ҳақида», «Ўрмонларнинг ҳимояланганлиги тоифасини белгилаш ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлар қабул қилинди.

Ўрмон хўжалигига қаратилган эътибор натижасида Давлат ўрмон фонди майдони 1,8, ўрмон билан қопланган майдон эса 1,6 баробарга кўпайди. Айни пайтда мамлакатимиз ўрмон фонди 8775,4 минг гектар майдонни ташкил этади. Бунинг ўрмон билан қопланган майдони 2375,4 минг гектардан иборат. Бу — умумий майдонимизнинг 19,8 фоизига тенг деган гап.

Маълумки, ҳудудимиздаги асосий ўрмон фонди ўрмон хўжалиги Бош бошқармасига қарашли ҳамда унинг ҳиссасига 8052,5 минг гектар майдон ёки умумий ўрмон майдонларининг 91,7 фоизи тўғри келади.

Мутахассис изоҳи:

Муродбой ҒАНИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари:

— Ўрмон билан қопланган майдонларимизнинг 594,9 минг гектари сунъий равишда яратилган ўрмонлар, 2232,6 минг гектар майдон эса табиий ўрмонлар, 155,9 минг гектар зич бўлмаган экин майдонлари, 734 гектар кўчатхоналар, 711,9 минг гектар сийрак ўрмонлар, 217,9 минг гектар ялангликлар, 1,6 миллион гектар яйловлар, 96,0 минг гектари қумликлардан иборат.

3

Бир қарашда яшил олам гўё ўзи ўсади, ўзи кўпаяди, ёки ўзи қурийдигандек туюлади. Аслида ҳар бир туп дарахт инсон ғамхўрлигига, ҳимоясига муҳтож. Масалан, ўрмон ёнғинлари ёз ойларида ҳаво ҳарорати +45° даражасига кўтариладиган жанубий ҳудудларимизда юз беради. Афсуски баъзан одамлар ўрмонларга шафқатсизларча муносабатда бўладилар. Аксарият ўрмон ёнғинлари одамларнинг оловдан нотўғри фойдаланишлари, эҳтиётсизликлари, дам олиш пайтида ёнғин хавфсизлигига лоқайдлиги туфайли юз беради. Маълумотларга қараганда, ҳар 10 та ёнғиндан 3 тасига одамлар сабабчи экан. Яна бир ташвишли томони, ўрмонга ўт кетса, унинг фаунаси ҳам зарар кўради. Ўрмонлар ҳудудимиз экологиясини соф сақлайди, иссиқ ва совуқ иқлимни мўътадиллаштиради. Улар ҳамиша бизнинг меҳр-шафқатимизга муҳтож...

Дарҳақиқат, республикамиз ўрмонлари асосан ҳимоялаш вазифасини ўтайди. Шунга қарамай, йилига ҳар хил кўринишдаги кесишлар ҳисобига 40 минг метр куб ёғоч-тахта, 60 турдан ортиқ маиший ва хўжалик маҳсулотлари тайёрланади.

Ўрмон — ризқ-рўзимиз. Ўрмон хўжалиги корхоналари асосий даромадини уруғ ва кўчат сотиш, халқ хўжалиги моллари ишлаб чиқаришдан олишади. Айни пайтда тизимда 500 тоннадан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари, доривор хомашёлар, ёввойи ва маданий ҳолда ўсувчи 35 тур доривор ҳамда озуқа хомашёси етиштирилади. Ихтисослаштирилган ўрмон хўжаликларида кинза, базилик, шивит, анзур пиёзи, маврак (шалфей), наъматак ва бошқа бир йиллик ҳамда кўп йиллик доривор ўтлар тайёрланади.

Ўрмон — табиат неъматларини етиштирувчи, мамлакат иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи омил. Бу борада бошқа соҳаларда бўлгани каби ўрмончиликда ҳам хорижий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Алишер ШУКУРОВ, ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси халқаро лойиҳалар мониторинги бош мутахассиси:

— Бинобарин, келгусида ташқи иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида бошқармамиз ҳозирги кунда ўрмон хўжалиги бўйича хорижий шериклар билан лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътиборни бераяпти. Ўрмонларни асраш, кўпайтириш учун халқаро ҳамкорликни ҳам кучайтириш керак.

4

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ташкилоти — ФАО кўмагида «Миллий ўрмончилик дастури» лойиҳаси устида ишлаяпмиз. Шунингдек, ўрмон хўжаликлари масалалари бўйича 2012 йилгача мўлжалланган «Мактаб ўрмончилиги» кичик лойиҳаси бажарилади. Афсуски, ишларимиз бироз суст кетаяпти, сабаби бу масалада ҳали маркетинг лойиҳалар керак.

2007 йилнинг апрелида БМТнинг ўрмон масалаларига бағишланган йиғилишида 2011 йил «Дунё ўрмонларини муҳофазалаш йили» деб белгиланди. Ўзбекистон бу ташаббусни маъқуллади.

Бир қарашда ҳамма ишлар рисоладагидай бўлиб туюлсада, соҳада ўзига хос муаммолар ҳам мавжуд. Оддий мисол, кейинги пайтда ер юзида глобал исиш жараёни, атроф-муҳит, ҳавонинг ифлосланиши, озон қатламининг сийраклашуви, иқлим ўзгариши кузатиляпти. Ёз иссиқ, қишда эса ҳарорат паст бўлмоқда.

Маълумки, иҳота ўрмон экинзорлари иқлимни мўътадиллаштиради. Афсуски, баъзи қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликка ихтисослашган корхоналар кўп йиллик кўчатлар яратиш учун ер ажратиш масаласига лоқайдлик билан қарашаяпти. Сабаби, кўп йиллик кўчатлар йилига товар сифатида катта даромад келтирмайди. Агар ўтган ўн йиллик даврни оладиган бўлсак, Ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси шартнома асосида иҳота ўрмон экинзорларини етиштиришни амалга ошира олмаганлигининг гувоҳи бўламиз.

Бугунги кунда ҳудудимиз бўйича йилига 42,0 минг гектардан ортиқ майдонда янги ўрмонлар барпо этилаяпти. Уларнинг 80 фоиздан ортиғи чўл ҳудудларига тўғри келади. Ўрмон хўжалиги тизими ҳар йили 18-20 минг гектар майдонда иҳота ўрмонзорларини бунёд этмоқда. Айтайлик, сўнгги 14 йилда тизим томонидан 300 минг гектар майдонда иҳота ўрмон экинзорлари барпо бўлди. Бу эзгу юмушлар пировардида, ҳудудимизда чанг, туз ва қум бўронлари ҳавога кўтарилишининг қисман бўлса-да, олди олинмоқда. Афсуски, узоқ йиллар давомида она табиатимизга етказилган жиддий талафотни 5-10 йилда ўнглаб бўлмайди...

5

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХОРИЖДА

ОБАМАНИНГ ҒАЛАБАСИГА УМИД БИЛДИРДИ

Венесуэла президенти АҚШда 4 ноябрь куни ўтадиган президент сайловларида Демократик партия номзодининг ғалаба қозонишига умид билдирди. Чавеснинг фикрича, «қоратанли инсон» сифатида Обама АҚШ томонидан 46 йил муқаддам Кубага нисбатан жорий этилган савдо таъқиқини бекор қилиши лозим.

— Биз ундан на инқилобчи, на социалист бўлишни, балки ана шуни сўраймиз — деб таъкидлади Чавес. — Бундай қадам Обаманинг тарихга киришига имкон беради. Венесуэла раҳбарининг сўзларига кўра, Кубага қарши таъқиқнинг бекор қилиниши Обама учун синов бўлади. У АҚШда ҳокимият тепасига мамлакат тарихидаги илк бор афроамерикаликнинг келиши истиқболини ижобий баҳолашини ҳам билдирган.

ОЙЛИКНИ ТУШИРИШ ТАВСИЯСИ

Англия ҳукумати Британия телерадиоэшиттиришлар корпорацияси («Би-Би-Си») раҳбариятига ўзининг машҳур телерадио бошловчилари билан тузилган кўп миллионлик шартномаларини қайта кўриб чиқишни тавсия этган. «The Times» газетасининг ёзишига қараганда, акс ҳолда «Би-Би-Си» давлатнинг молиялашидан маҳрум бўлиши мумкин.

Буюк Британия маданият, оммавий ахборот ва спорт ишлари бўйича давлат котиби Энди Бернэм «Би-Би-Си» раҳбарияти билан учрашувда бошловчилар билан тузиладиган кўп миллионлик шартномалар ҳозирги молиявий танглик шароитларида жамиятда норозиликка сабаб бўлаётганлигини айтган. Чунончи ўтган йил октябрида «Би-Би-Си»нинг энг юқори ҳақ оладиган бошловчиси Жонатан Росс билан 18 миллион фунт стерлинг миқдоридаги уч йилга тузилган шартнома катта жанжалга сабаб бўлганди. Натижада «Би-Би-Си» қийин аҳволга тушиб қолди. «The Times»нинг ёзишича, гарчи корпорация бундан норози бўлса-да, унинг маошини пасайтира олмайди. Зеро жанжалкаш бошловчи билан шартнома 2009 йилда қайта кўриб чиқилиши кўзда тутилган.

ҚУРИЛИШГА ТАҚИҚ

Москва Марказий маъмурий округида майдони бир ярим минг квадрат метрдан ортиқ бўлган йирик маъмурий, офис ва савдо марказларини қуриш таъқиқланди. Бундан ташқари офис ва савдо иншоотларини қайта қуриш, агар бунда уларнинг майдони ошадиган бўлса, ман этилади, Россия Федерацияси ва Москва давлат ҳокимияти идоралари учун мўлжалланган бинолар бундан мустасно. Шунингдек, автотранспорт учун зарур майдонлар қурилишига ва мэриянинг қарори кучга киргунига қадар савдоларни ютган лойиҳаларга жорий этилмайди. Шаҳар маъмуриятида таъкидланишича, мазкур чоралар пойтахт марказида транспорт зўриқиши янада ошишининг олдини олиш мақсадида қабул қилинган.



✓ Ёшлар ва тарбия

ҲАЁТ ДАРАХТИ

бўлмиш ТАРБИЯ ҳар куни, ҳар лаҳза парвариш ва эътибор талаб қилади

Ҳақиқатан ҳам чуқур мушоҳада қиладиган бўлсак, ТАРБИЯ деган битта сўз замирида биз ангелаб етган ва етмаган кўп ҳикматлар ётади.

Хўш, бола тарбиясига асосан ким масъул? Бу баҳсталаб ва ҳақли саволга ҳар доим барча авлодлар турлича жавоблар топишган. Боғчачими, мактабми, маҳаллакўй ёхуд ота-онами?.. Бир қарашда жуда жўн туюлувчи бу саволлар ортида сизу бизнинг изимиздан келаётган ёш авлод тарбиясига масъуллик ҳисси ётади.

— Мамлакатимизда 2008 йилни Ёшлар йили дея эълон қилинганида жуда катта рамзий маъно бор, — дейди суҳбатдошимиз **Ўрта Чирчиқ тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари Фахриддин Қўлдошев.** — Чунки Республикамиз аҳолисининг олтмиш фоиздан кўпроғини ёшлар ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу жуда катта куч ва имконият ва ўз навбатида улкан масъулиятдир. Озгина бепарволикка, эътиборсизликка йўл қўйилдими, бола тарбияси издан чиқа бошлайди. Биз ўз фаолиятимиз мисолида оладиган бўлсак, Ёшлар йили муносабати билан туман ИИБ томонидан айни шу масалага доир йиллик дастур ишлаб чиқилди. Ўтган тўққиз ой давомида бу борада ўттизга яқин учрашув, мулоқотлар уюштирилди.

— Ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган турли иллатларга қарши курашиш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

—Туманимизда доимий равишда вояга етмаган ёшларни ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, гиёҳвандлик, ОИТС ҳамда халқаро терроризм, экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида турли муассасалар, шу жумладан, нодавлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалий тадбирлар олиб бораяпмиз. Шоли курмаксиз бўлмайди, деганларидек, тарбияси оғирроқ болаларни мактаб, маҳалла, ота-оналар билан бирга доимий назоратга олганмиз. Албатта «бир болага етти маҳалла ота-она» деган халқона нақл бежиз айтилмаган. Тўғри, орамизда турли қарашларга эга бўлган одамлар бор. Айримлари «менинг болам билан ишларинг бўлмасин» дейишгачаям боришади. Айнан ана шундай қарашда юрган ота-она бир кун келиб фарзанди жиноят кўчасига кирса ёки бошқа бир ҳуқуқбузарлик содир этса, минг пушаймон қилгани билан фойдаси бўлмайди.

— Туманда вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчилик даражаси қай аҳволда? Бу борада қандай профилактик ишлар амалга ошириляпти?

— Бир оддий ҳақиқатни унутмайлик: қандай турда бўлмасин, битта қонунбузарлик ҳолати қайд этилса ҳам асосий жавобгарлик энг аввало ҳуқуқни муҳофаза қилиш бўлими ходимлари зиммасига тушади. Демак, ҳаммамиз, яъни кенг жамоатчилик — маҳалла-кўй, ота-оналар, мактаб маъмурияти ана шу кўнгилсиз ҳолатни келтириб чиқарган омил ҳақида чуқурроқ ўйлашимизга тўғри келади. Бу менинг вазифамга, ваколат доирамга кирмайди дейиш билан ҳеч ким ўзини оқлолмайди. Яхшиси, шу ўринда ҳаётий мисоллар келтирайлик: Туябўғиз қўрғонида яшовчи Г.Саидалиеванинг енгилтак хатти-ҳаракати оқибатида унинг бегуноҳ фарзандлари жабр кўраётганини аниқлангач, маҳалла аҳли билан ўзаро ҳамкорликда амалий чора кўрилди. Бу оилага нисбатан назорат варақаси очилиб, болалари туман ҳомийлик ва васийлик кенгаши билан маслаҳатлашиб, Меҳрибонлик уйига топширилди...

— Айни шу мисолдан келиб чиқиб, мушоҳада қиладиган бўлсак, энг аввало ота-онанинг ўзи тарбия масаласида фарзандларига ибрат кўрсатиши керак эмасми?

— Бу саволга ҳам ҳақиқий жавобни бизнинг доно халқимиз аллақачон айтиб қўйган: «Қуш уясида кўрганини қилади». Демак, боланинг ҳар бир босган эгри қадамида ота- она жавобгар ҳисобланади.

Шундай ҳолларга кўп бора гувоҳ бўлганмиз. Баъзи ота-оналар фарзанди тарбияси билан боғлиқ бўлган ўз бурчларини бажармайди. Мактаб, маҳаллаларда ўтказилган тадбирларга умуман қатнашмайди. Ҳатто болаларининг қайси синфда, неча баҳога ўқишини билмайдиганлар ҳам бор, десак адашмаймиз. Оқибатда беэътибор қолган бола ўзбошимча бўлиб ўсади. Янги тўлқин қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи вояга етмаган З.Т. уйидан чиқиб кетади. Қайтиб келмагач, ота-онаси бизга мурожаат қилишди. Суриштирув жараёнида маълум бўлдики, шу йил март ойида у Тошкент шаҳридаги хусусий ошхоналардан бирида ишлаб юрган экан. Энг даҳшатлиси, у шу орада ҳатто чет элга бориб, «пул ишламоқчи» бўлганини ҳам яширмади. Бу ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин? Тасаввур қилинг, 14 ёшли қизчанинг бундай йўлга кириб кетиши сабаблари изланганда унинг ҳам оиласида носоғлом муҳит юзага келганлиги аниқланди ва ота-онаси маъмурий жавобгарликка тортилди...

Тарбия ҳақида қачон, қаерда сўз кетса, энг аввало, у ҳаммамиз учун **БУРЧ** *ва* **ВАЗИФА** *эканлигини яхши биламиз. Бу масалада йўл қўйилган арзимас хатолар, кечикиш ва эътиборсизлик ҳар доим қимматга тушади. Шундай экан, ҳар кун, ҳар лаҳза бизнинг эътибор ва парваришимизга муҳтож бўлган бу улкан дарахтнинг илдизи улуғ халқимизнинг ўзлигида, қолаверса, бой қадриятлар билан йўғрилган урф-одат, анъаналаримизда эканлигини унутмайлик.*

«Ўзбекистон овози» мухбири
Зуҳра ҲАСАНОВА
суҳбатлашди.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар,
барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

АМУ-БУХОРО ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ-МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ

Иншоотни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Лот №4:

Лот 4-1. **«Курак» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш (III босқич).**

Лот 4-2. **«Шимолий Шофиркон» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш (III босқич).**

Лот 4-3. **«Накиб» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш (III босқич).**

Лот 4-4. **«Марказий Бухоро» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш (III босқич).**

Лот 4-5. **«Параллел» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш (III босқич).**

Қурилиш ишларини бажариш муддати — 3 ой.

Қурилиш ишлари Республика мелиорация фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Буюртмачи манзили: Бухоро шаҳри, Ширбудин кўчаси, 4-муюлиш, 24-бино,
телефон: 225-36-22, 225-36-33.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: устав сармояси миқдори, танлов савдолари предметининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағларга ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда камида уч йиллик ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга ҳамда ўзаро ишончга, шунингдек, етарли ишчи кучи захираларига эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй 18-хона. Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари очилиш куни ва соатида қабул қилиниб, танлов қатнашчилари ва оферентлар иштирокида очилади.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзил: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хонада соат 10.00да бўлиб ўтади.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ КАТТАҚЎРҒОН УЙ-ЖОЙДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚИСМИ

қуйидаги иншоотни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича
ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Каттақўрғон тумани 37-ҳарбий шаҳарчадаги СЧР 4-сонли ётоқхонасининг 4-қаватини капитал таъмирлаш.

Объектни фойдаланишга топшириш муддати — 2008 йил 30 декабргача.

Қурилиш ишлари Сафарбарлик чақирув резерви маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Каттақўрғон тумани уй-жойдан фойдаланиш қисми.

Манзили: Каттақўрғон шаҳри,
Бобур кўчаси, 23-уй, телефон: (8-366-45) 6-16-48.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга, Мудофаа вазирлиги объектларини қуриш ва таъмирлаш учун махсус лицензияга ҳамда шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Оферталар савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Тел: 231-13-51. Факс: 233-32-00.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хонада соат 15.00 да Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази жойлашган бинода ўтказилади.

✓ Ободлик кўнгилдан бошланади

ЖАҲОН НИГОҲИДАГИ ЗИЁРАТГОҲ

— Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари 1318-1389 йилларда яшаб ўтган, — дейди Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Бухоро вилояти бўйича вакили Абдулғофур ҳожи Раззоқов. — Бу муборак зот Хожа Юсуф Ҳамадоний ва Абдулхолиқ Ғиждувоний таълимотлари асосида нақшбандийлик тариқатини яратган. Нақш солиш билан умр кечирганлиги учун у кишига «Нақшбанд» деб нисбат берилган.

Ҳақиқатан ҳам, Баҳоуддин Нақшбанд нафсни ўлик тутиб, руҳни ардоқлаган, маънавий-руҳий камолот бобида мисли кўрилмаган мартабага эришган. Валийуллоҳ мақомига юксалган ҳолида ҳам ҳалол меҳнати билан ризқ-насиба топган ва шу ҳисобдан яшаган, мана шу олижаноб фазилати билан атрофдагиларга ибрат ва ўрнак бўлган.

— Одамийлик, халқчиллик, ҳалоллик ва иймон-эътиқодни улуғлаган нақшбандийлик тариқати шўро замонида «реакцион таълимот» деб талқин этилди, — дейди шоир Садриддин Салим Бухорий. — Ҳолбуки, бу тариқат Ислом таълимоти мазмун-моҳиятини аниқ, равшан ва халқчил тарзда ўзида ифода этган. Қўл ишда, кўнгил Аллоҳда бўлсин, деган тараққийпарвар ғоя бу тариқат асосини ташкил этиб, Яратганни унутмаган ҳолда ҳалол меҳнат билан покиза яшашга даъват этилади. Шунинг учун ҳам бу ҳаётбахш тариқат бутун мусулмон оламига кенг ёйилди. Ҳали айтганимиздек, яқин ўтмишда Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи суньий равишда ярим вайрона ҳолига келтирилди, жомеъ масжидлари жамоа хўжалигининг омборхонасига айлантирилди. Бу жойда намоз ўқиш ва зиёрат қилиш мутлақо тақиқланди. Лекин эл-улусни покликка, меҳнатсеварликка, жамиятни ҳамжиҳатликка ундовчи ҳаётбахш тариқат мудом яшаб келмоқда.

1992 йилнинг 2 октябрида Президентимиз Ислом Каримов буюк аллома Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари мақбарасини келиб зиёрат қилади.

Давлатимиз раҳбари қадамжо билан танишиб чиққач, нақшбандийлик тариқатининг бешиги бўлган бу қутлуғ осори-атиқани қайта тиклаш, масжид, мадраса ва хонақоҳни яхлит ансамбль ҳолида обод этиш, шу билан бирга, пири комилнинг инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган эзгу таълимотини кенг тарғиб қилиш ҳақида дастурий кўрсатма беради. Орадан кўп ўтмай, 4 ноябрь куни Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг 675 йиллик юбилейини кенг нишонлаш ҳақида Президент Фармони эълон қилинади.

Қисқа вақт ичида ҳазратнинг даҳмаси, Абдулҳаким Қушбеги масжиди, Сақохона жомеъ масжиди ҳамда минора, пири комилнинг волидайи муҳтарамаси саганаси тубдан қайта таъмирланиб, муҳташам кириш дарвозаси, қатор янги мажмуалар барпо этилди. 1993 йилнинг 16 сентябрида Баҳоуддин Нақшбанднинг таваллуд айёми халқаро миқёсда кенг нишонланди. Шу муносабат билан нақшбандийлик тариқати моҳиятини очиб берувчи талай асарлар чоп этилди. Олиб борилган тадқиқотлар эса халқимизни, хусусан, ёш авлодни ҳазратнинг ибратли ҳаёти билан яқиндан таништирди.

2002 йилнинг 14 октябрида давлатимиз раҳбари тасаввуф оламининг буюк намояндаси Хожа Баҳоуддин Нақшбанд мажмуини зиёрат қилиб, ёдгорликни асл ҳолига келтириш, тарихий кўринишини қайта тиклаш, шу билан бирга, кенгайтириш ва янада обод этиш бўйича аниқ кўрсатма берди. Бу ишни ихлос билан, астойдил бажариш зарурлигини алоҳида таъкидлади. **«Нимага деганда, бу ишларимиз сиз билан биздан келажак авлодларга ёдгор бўлиб қолади. У юртимизга файзу тароват бағишлаб, асрлар синовига бардош бериб, халқимизнинг яратувчилик даҳосини дунёга намойиш этиб туради».**

Шундан сўнг, бу ерга мамлакатнинг кўзга кўринган қўлигул усталари жалб этилди. Зиёратгоҳни янада кенгайтириш учун 48 оилага мўлжалланган Қасри Орифон шаҳарчаси бунёд қилинди. Ҳазрат мақбарасига олиб борувчи ишкомли ва хиёбонли йўлаклар, манзарали дарахтлардан иборат ўн олти гектарлик боғистон яратилди. Ҳовлидаги муаззам ҳовузлар асл ҳолатига келтирилди. Кириш дарвозалари, пешайвонлар, уларнинг устунлари миллий меъморчилик анъаналари асосида қайта таъмирланди. Қасри Орифон, Абдулҳаким Қушбеги, Сақохона жомеъ масжидлари, «Дарвозаи диловар», «Салом» дарвозаси, Шоҳлар хилхонаси, Амир Музаффархон масжиди, Абдулазизхон хонақоҳи янгича қиёфа касб этди.

Ҳазрат даҳмасининг икки томонидаги қадим айвон сақлаб қолинган эди. Давлатимиз раҳбари ҳовлининг қолган томонларида ҳам худди ана шундай нақшинкор айвонлар барпо этиш ҳақида кўрсатма берди. Айтиш керакки, бу ишлар юксак дид ва меҳр-муҳаббат билан амалга оширилди.

Ҳозир йил бўйи бу муқаддас қадамжодан юртдошларимизнинг қадами узилмайди. У бутун мусулмон оламида муқаддас зиёратгоҳ ҳисобланади. Қачон қараманг, хориждик кўп-кўп сайёҳлар обидани мароқ билан томоша қилаётганини кўрасиз.

Яқинда зиёратгоҳда яна катта таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Нақшбанд мақбараси олдидаги маҳобатли айвон остига махсус технология асосида пиширилган ғиштлар қўйилди. Айвондаги муқарнаслар ва нақш-нигорларга қадимий усулда тайёрланган табиий бўёқлар билан қайта сайқал берилди.

— Қайта жило бериш катта тажриба талаб этади, — дейди таъмирловчи мусаввир Равил Чепкунов. — Бор маҳоратимизни ишга солиб, Земфира Камолова, Саттор Ғуломов сингари ҳамкасбларим билан бирга юклатилган вазифанинг уддасидан чиқдик, деб айта оламан.

Ҳазрат қабрининг бош томонида ўрнатилган янги тошлавҳа ҳам киши эътиборини ўзига жалб этмай қолмайди. Унда қадимий Шарқнинг сангтарошлик, хаттотлик, наққошлик ва заргарлик санъати ўзаро уйғунлашган. Тошлавҳада улуғ пирнинг ҳаёт йўли ва буюк хизматлари қайд этилган, араб ҳуснихатининг куфий, сулс, насталиқ ёзувларида ўйиб ёзилган. Айни кунларда Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик ансамблида замонавий кутубхона барпо этилмоқда.

— Кутубхонада ноёб ва мўътабар қўлёзма китоблар сақланади, — дейди зиёратгоҳ маърифий маркази раиси Ўктам Ғуломов. — Ўқувчиларга адабиётларнинг электрон нусхаси тақдим этилади. Шунингдек, бу ерга келувчилар интернет тармоғи орқали марказнинг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги веб-сайтлари материаллари билан ҳам танишиши мумкин.

Яқинда зиёратгоҳда «Нақшбандия таълимоти ва миллий маънавиятимиз» мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

— Мен бу табаррук қадамжони кўп зиёрат этганман, — дейди Истанбул университети профессори Али Оқ. — Ундаги ўзгаришлар, хусусан, эл-улуснинг Баҳоуддин Нақшбандга эҳтироми ҳамиша мени лол қолдиради. Зеро, нақшбандийлик таълимотига ихлос яхшиликка, яратувчиликка, кўнгил ободлигига интилиш рамзи-ифодаси деб биламан.

Ҳа, дарҳақиқат, кишилик жамияти тараққиётига муносиб ҳисса қўшган Ислом оламининг беназир намояндаси Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи ҳамиша жаҳон нигоҳидадир.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✓ 2008 йил — Ёшлар йили

УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАЛАРИ ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан «Устоз-шогирд» мавзуига бағишланган конференция ташкил этилди.

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган ушбу тадбирда оммавий ахборот соҳасида самарали меҳнат қилиб келаётган журналистлар, етакчи нашрларнинг бош муҳаррирлари, олий ўқув юртлари журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири С.Остонов, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти С.Умиров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида миллий матбуотимизни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

«Ёшлар йили» Давлат дастурида ёшлар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш, истеъдодли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Бу борадаги вазифалар ижросини таъминлашда Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси сингари бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий телестанцияларда ёшлар студияларининг ташкил этилгани, ёш журналистларнинг касб маҳоратини юксалтиришга йўналтирилган турли лойиҳалар, анжуманлар, ижодий мулоқотлар, ўқув семинарлари, медиа-форумларнинг ташкил этилаётгани бунинг далилидир.

Анжуманда миллий журналистика соҳасида «устоз-шогирд» анъаналарини давом эттиришга бағишланган маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

✓ Футбол

«БУНЁДКОР» — ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ СОҲИБИ

Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги финал учрашувида Тошкентнинг «Бунёдкор» ва «Пахтакор» жамоалари ўзаро куч синашди. Гарчи, ўйиннинг биринчи бўлимида дарвозаларга биттадан тўп киритилган бўлса-да, мухлислар учрашувнинг асосий вақтида бошқа голларга гувоҳ бўлишмади.

Натижада жамоалар 15 дақиқадан яна икки тайм тўп суришди. Унда ҳужумкор ўйин намойиш этган «Бунёдкор» футболчилари Игнатий Нестеров қўриқлаётган дарвозани икки маротаба аниқ нишонга олиб, илк маротаба мамлакат кубоги соҳиби бўлишди — 3:1.

AFC U-19 CHAMPIONSHIP SAUDI ARABIA 2008

ИЛК УЧРАШУВДА ҒАЛАБА

Шу кунларда Саудия Арабистонида ёшлар ўртасида 35-Осиё чемпионати баҳслари давом этмоқда. Мазкур нуфузли мусобақада Аҳмад Убайдуллаев бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси «Д» гуруҳида Австралия, Иордания ҳамда таиландлик тенгдошлари билан куч синашади.

Гуруҳ баҳсларининг дастлабки турида ҳамюртларимиз Иордания ёшлар терма жамоасига қарши майдонга чиқдилар. Хабарингиз бор, Осиё чемпионатининг ўтган йили Тошкентда ўтказилган саралаш ўйинларида ёшларимиз айнан иорданияликлар билан баҳс юритиб, 3:1 ҳисобида зафар қучишганди. Аммо бу гал Иордания вакиллари Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига муносиб қаршилик кўрсатишди. Унда ўйиннинг 3-дақиқасида Даврон Мирзаев пинальтидан киритган ягона тўп ёшларимизнинг илк ғалабасини таъминлади. Гуруҳнинг иккинчи учрашувида австралиялик ёш футболчилар таиландлик тенгдошларини худди шу ҳисобда енгдилар — 1:0.

Осиё чемпионатининг қолган гуруҳларидан қўйидаги жамоалар жой олган:

«А» гуруҳи. Япония, Саудия Арабистони, Эрон, Яман

«В» гуруҳи. Жанубий Корея, Ироқ, Бирлашган Араб Амирликлари, Сурия

«С» гуруҳи. КХДР, Хитой, Тожикистон, Ливан.

Мусобақа низомига мувофиқ, Осиё чемпионатининг барча ярим финалчилари келгуси йили Мисрда ёшлар ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритадилар. Бунинг учун эса Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси гуруҳда муваффақият қозониб, чорак финалда зафар қучиши лозим бўлади.

Кеча «Д» гуруҳида ўтказилган Ўзбекистон — Австралия учрашувида 1:1 ҳисоби қайд этилган бўлса, иккинчи ўйинда Таиланд — Иордания футболчилари ўзаро баҳс юритдилар.

Эркин ХОЛБОБО

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Tat'yana KISTANOVA
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1049
7706 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 22.15
Topshirilgan vaqti — 22.30
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

АМУ-ҚАШҚАДАРЁ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ-МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ

ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот №8-1. Қарши туманидаги «Дашт» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.
Тозаланадиган зовурнинг узунлиги — 53,29 км. Қурилишни тугаллаш муддати — 4 ой.
Бошланғич нархи — 695.879.834 сўм.

Лот №8-2. Касби туманидаги «ЮК» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.
Тозаланадиган зовурнинг узунлиги — 47,862 км. Қурилишни тугаллаш муддати — 3 ой.
Бошланғич нархи — 236.344.200 сўм.

Лот №8-3. Касби туманидаги «ЮВ-2» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.
Тозаланадиган зовурнинг узунлиги — 23,42 км. Қурилишни тугаллаш муддати — 3 ой.
Бошланғич нархи — 233.810.000 сўм.

Лот №8-4. Қарши туманидаги «ЮК-5» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.
Тозаланадиган зовурнинг узунлиги — 19,57 км. Қурилишни тугаллаш муддати — 3 ой.
Бошланғич нархи — 194.556.200 сўм.

Лот №8-5. Қамаши туманидаги «Камай» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.
Тозаланадиган зовурнинг узунлиги — 46,787 км. Қурилишни тугаллаш муддати — 4 ой.
Бошланғич нархи — 198.746.897 сўм.

Лот №8-6. Гузор туманидаги «3-ГД-Манғит» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.
Тозаланадиган зовурнинг узунлиги — 19,4 км. Қурилишни тугаллаш муддати — 3 ой.
Бошланғич нархи — 124.407.645 сўм.

Буюртмачи — Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси.

Манзили — Қашқадарё вилояти, Қарши тумани, Гидроузел қўрғони.

Телефон: (8-375) 226-01-78, 780-85-24, (8-371) 141-65-24.

Қурилиш ишлари буюртмачига Молия вазирлиги қошидаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасидан ажратилган маблағ ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 46-а уйда жойлашган Қашқадарё вилоят капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Тел/факс: (8-375) 224-05-24, 224-09-06.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 70000 сўм.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин «Ташкилотчи» биносида ўтказилади.